

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Hududiy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati barча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядорининг

2025 йил 27 февраль

2 -сон қарори билан

Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодиёт ва Молия вазирининг ўринбосари

Х.Б.Мустафаев

2025 йил «27» февраль

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

В.Ю. Пак

2025 йил «30» апрель

PO896-5 - сон

М.Ў.



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Diskont-Invest” МЧЖ директори

Б.М. Мирзабеков

2025-йил “30” - \_\_\_\_\_



### ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Hududiy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди: 

R	U	1	0	5	P	0	8	9	6	T	2
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Ҳар бирининг номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган 512 144 103 (беш юз ўн икки миллион бир юз қирқ тўрт минг бир юз уч) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялардан иборат.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши бешинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: “Hududiy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядорининг 2025 йил “  ” \_\_\_\_\_ - сон қарори билан.

“Hududiy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядорининг 2025 йил “  ” \_\_\_\_\_ - сон қарори асосида.


Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 8-уй, телефон: (+998 78) 150 -73-42, электрон почта: info@uzhet.uz

Эмитентнинг раҳбари

Бош бухгалтер


Мухр



А.А. Аскар

В.Х.Примкулов

2025 йил «  » \_\_\_\_\_



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 100 (юз) сўм;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 512 144 103 (беш юз ўн икки миллион бир юз қирқ тўрт минг бир юз уч) дона;

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 51 214 410 300 (эллик бир миллиард икки юз ўн тўрт миллион тўрт юз ўн минг уч юз) сўм;

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

**Акциядорлар:**

жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида қонунчиликда белгиланган тартибда овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

ўзига тегишли бўлган акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни бошқа акциядорларнинг розилигини олмасдан ҳам тузиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда унга тегишли бўлган жамият акцияларини сотиб олишни талаб этиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.

**Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда қўйидаги чеклашлар белгиланган:**

- Акциялар жамият ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 8 464 424 484 600 (саккиз триллион тўрт юз олтмиш тўрт миллиард тўрт юз йигирма тўрт миллион тўрт юз саксон тўрт минг олти юз) сўм;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

84 618 347 341 (саксон тўрт миллиард олти юз ўн саккиз миллион уч юз қирқ етти минг уч юз қирқ бир) дона ҳужжатсиз оддий ва 25 897 505 (йигирма беш миллион саккиз юз тўқсон етти минг беш юз беш) дона имтиёзли ҳужжатсиз акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

**Акциялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*

Агар акцияларни жойлаштириши муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.).

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан жойлаштирилади. Эмитент акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 2 кун ичида расмий маълумотни Эмитент веб-сайтида ва корпоратив ахборотларнинг ягона порталида, ўрнатилган тартибда, эълон қилади.

**Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:** Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган сана.

**Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси:** Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлаштирилган сана, лекин ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади.

#### 11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

Мазкур эмиссия доирасида чиқарилаётган нақдсиз шаклдаги эгаси ёзилган оддий акциялар ёпиқ обуна қилиш орқали уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида фуқаролик- ҳуқуқий битимларни белгиланган тартибда “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” АЖда рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади.

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти;

Жойлашган жойи - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси 107 уй;

Почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси 107 уй;

телефон: 8(371) 267-37-42, Факс: 8(371)267-36-87. e-mail: [info@deponet.uz](mailto:info@deponet.uz), вэб манзили: [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz).

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

*Агар акцияларни жойлаштиришида акцияларни олишига бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда 100 (юз) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акцияларни тўлаш қуйидаги активлар билан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.06.2021 йилдаги 382-сонли қарорига биноан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг Самарқанд магистраль электр тармоқлари филиалидан баланс (қолдик) қиймати 15 190 281 258,32 сўмлик 1 та топшириш – қабул қилиш далолатномасига асосан ва Қороқолпоғистон магистраль электр тармоқлари филиалидан баланс (қолдик) қиймати 15 335 157 412,2 сўмлик 8 та энерго объектлар топшириш – қабул қилиш далолатномасига асосан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2023 йилдаги ПК-91-сонли қарорининг 2-иловасига биноан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг Тошкент магистраль электр тармоқлари филиалидан баланс (қолдик) қиймати 898 212 771,12 сўмлик 2 та энерго объектлар топшириш – қабул қилиш далолатномасига асосан;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.08.2023 йилдаги 527-Ф-сонли фармойишига биноан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигидан баҳоловчи “Diskont-Invest” МЧЖнинг 2024 йил 28 февралдаги 180/1-сонли баҳолаш ҳисоботида аниқланган қиймати 3 365 585 000,0 сўмлик 1 та кўчмас мулк топшириш – қабул қилиш далолатномасига асосан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.05.2024 йилдаги Ф-21-сонли фармойишига биноан “China Energy International Group Samarkand Cement” хорижий корхонасидан ҳақиқатда қилинган харажатлар ва тўлов ҳужжатларига асосан баланс (қолдик) қийматида 16 425 173 759,0 сўмлик 1 та энерго объекти топшириш – қабул қилиш далолатномасига асосан.

Жами 13 та умумий қиймати 51 214 410 200,64 сўмлик активлар билан тўланади. Активлар топшириш-қабул қилиш далолатномалари орқали топширилади.

Шунингдек, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ягона акциядорининг 26.04.2019 йилдаги 1-сонли, 29.11.2019 йилдаги 7-сонли, 16.09.2020 йилдаги 6-сонли, 12.05.2021 йилдаги 2-сонли ва 24.10.2024 йилдаги 9-сонли қарорлари билан “Худудий электр тармоқлари” АЖ устав фондидаги давлат улуши оширилган ва камайтирилган. Ушбу қарорларда акцияларнинг бутлигини сақлаш мақсадида давлат ташкилотлари ҳамда компаниялардан қабул қилиб олинган мулклар ва устав фондининг оширилган қисми суммаси ўртасидаги 161,05 сўм миқдоридаги тафовут Жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилишида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олиниши белгиланган. Ушбу акциялар учун тўловда аввалги чиқарилишлардаги қабул қилиб олинган мулклар ва устав фондининг оширилган қисми суммаси ўртасидаги фарқнинг 99,36 сўми ҳисобга олинади.

Баҳоловчиларнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи:

тўлиқ фирма номи - “Diskont-Invest” маъсуляти чекланган жамияти;

қисқартирилган фирма номи - “Diskont-Invest” МЧЖ;

жойлашган жойи – Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Хамза кўчаси, 1А уй.

Баҳоловчи ташкилотнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва берилган санаси- Ўзбекистон Баҳоловчилар, экспертлар ва маслаҳатчилар жамоат бирлашмаси томонидан 2023 йил 4 январда берилган D0115—рақамли “Сертификат”, амал қилиш муддати чегараланмаган. Баҳоловчи Мирзабеков Баҳодир Мансурович 27.07.2019 йилдаги 0244-сонли малака сертификатига эга. Баҳоловчи малака сертификатининг муддати 08.08.2024 йилдан 08.08.2029 йилгача узайтирилган.

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштирилмайдиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.*

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг 60 фоизидан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда жойлаштирилган тақдирда мазкур чиқарилиш амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ва ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Эмитент ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумотни (28-сонли муҳим факт) Эмитент веб-сайтида ва корпоратив ахборотларнинг ягона порталида, ўрнатилган тартибда, эълон қилади. Акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар акцияларнинг ушбу чиқарилуви ваколатли давлат органи томонидан амалга ошмаган деб тан олинган кундан кейин 7 кун ичида белгиланган тартибда қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Корпоратив ахборот ягона порталда ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ([www.het.uz](http://www.het.uz)) муҳим фактларни жойлаштириш (эълон қилиш) йўли билан ошкор қилинади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 8-уй манзилида танишиши мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

Кўзда тутилмаган.

Тикилди, мухрланди.

5 \_\_\_\_\_ варақдан иборат.

А.Аскарлов

В.Примкулов

